O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

УШБУ СОНДА:

2 КОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

ФЕРМЕР НЕГА ЖАЗОЛАНДИ?

3 АҲИЛЛИКНИНГ КОНИ – САВОБ

4 ТАРБИЯ МЕВАСИ

MEZON:

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 21-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 36 (392)
2004 йил
21 сентябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ХАЛҚ ИШОНЧИДАН ОРТИҚ ЯНА НИМА БОР?..

Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимизнинг юракдан куюниб айтган сўзлари ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмади. Зеро, Юртбошимиз маърузасида халқимизни қийнаб турган айрим муаммо ва нуқсонлар теран таҳлил этиб берилди. Юртбошимиз томонидан илгари ҳам раҳбарлик масъулияти ва бурчи ҳақида кўплаб мулоҳазалар билдирилган. Мазкур сессияда ҳам бу масалага алоҳида тўхталинди. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки кейинги йилларда Наманган вилоятида содир бўлган нуқсонлар замирида маънавий муҳитнинг бузилиши, биринчи раҳбарнинг ўз вазифаси масъулиятини унутиши, ўзибўларчилик ва суиистеъмолчиликка берилиши ҳолатлари ётибди. Вилоятда қонун устуворлиги ва тартиб-интизомни таъминлашга масъул бўлган бу одамнинг баъзи нопок ишларга бош қўшгани ғоят афсусланарлидир.

Хусусан, ҳоким «ташаббуси» билан укаси ва яқин танишига 200 гектар ер майдони ноқонуний равишда ажратиб берилган. Аҳоли ўта зич яшайдиган, ер танқис бўлган Наманган шароитида бундай ноқонуний ишга қўл уришни ҳеч қандай важ билан оқлашнинг иложи йўқ. Нега деганда, бу ерда қанчалаб одам меҳнат қилиши, рўзғор тебратиши, бола-чақасини боқиши мумкин эди. Биргина шу ҳаракати билан собиқ раҳбар халқ манфаатига хиёнат қилгани маълум бўлади. Бундай ҳол билан муросага келиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Шу ўринда вилоят сессиясида Президентимизнинг таъкидлаб айтган мана бу сўзларини эсга олиш жоиз: **раҳбарлик лавозими ҳақида, унинг бугунги замонда нақадар мураккаб ва оғирлиги ҳақида охирги вақтларда жуда кўп тилга оламиз.**

Лекин минг таассуфлар бўлсинким, бундан кўпчилик, шу жумладан, юқори мансабларда ўтирганлар ҳам керакли хулоса чиқариши жойларда сезилмайди.

Қўшни вилоят, қўшни туманда ўзининг масъулиятини йўқотиб қўйган, оёғи ердан узилиб қолган, манманликка берилиб — қўпол бўлса ҳам айтишга мажбурман — қутуриб кетган шахсларга нисбатан кўрилаётган қаттиқ чораларни худдики ўзларига тегишли эмас деб қабул қилади, улардан сабоқ чиқармайди.

Аслини олганда раҳбар одам бошқаларга намуна бўлиши, қўл остидагиларни янги марраларга бошлаши, ташаббус ва фидойилик кўрсатиши лозим. Раҳбарнинг ён-атрофдагилардан тили қисиқ, турли қонунбузарликларга шерик бўлса, у одамларни ортидан эргаштиролмайди. Бу эса ўша жойда ҳақли норозиликларни келтириб чиқаради. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Айни пайтда халқимиз буюк мақсадларни кўзлаб яшамоқда.

Буюк мақсадлар буюк интилишларни, маънавий покликни, ҳалол ва инсофли бўлишни, ўз майда манфаатларини бироз четга суриб, мана шу юрт ва халқ шаъни учун курашни тақозо этади. Юрагида ўти бор, эртанги кунни ўйлаб яшаётган ҳар бир киши юртимизда ана шундай муҳит ва аҳиллик ҳукмрон бўлишини истайди. Акс ҳолда хатолар такрорланавериши мумкин. Президентимиз ўз нутқида раҳбар масъулияти ҳақида асосли фикр-мулоҳазалар билдирди. Тўғри таъкидланганидек, ҳар бир янги раҳбар ишга келганда шу ерлик аҳолининг кайфиятига таъсир қилади. Халқ шундай кучки, у бунёдкорликдан, буюк келажак йўлида меҳнат қилишдан толмайди ҳам, тинмайди ҳам. Фақат унда ўз қудратига ишонч уйғотиш, буюк мақсадларга йўналтириш ва руҳлантириш, уни турфа ёлғон-яшиқдан асраш кифоя. Зотан, раҳбарларнинг нопок ишларни қўллаши халқнинг ташаббусини сўндиради, ишончни пучга чиқаради. Халқнинг оқланмаган ишончини эса ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бу ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, раҳбарлик Аллоҳ томонидан берилади. У халқ манфаатига хизмат қилиш демакдир. Бунга амал қилмаган ҳар қандай раҳбар халқ назаридан қолиши, эл-улус олдида юзи шувут бўлиши аниқ.

Ҳар бир раҳбар мана шу муқаддас тупроқни, шу азиз Ватанни ўзиники деб билса, тақдирини юрт келажагига дахлдор сезсагина халқ бошини қовуштириб, уни ёруғ кунлар ва буюк истиқбол сари бошлайди. Шу маънода халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирилган фикр-мулоҳазалар кўпчилик учун сабоқ ва дастурамал вазифасини ўташи шубҳасиз. Зеро, бу дунёда халқ ишончидан ортиқ яна нима бор?..

Xabar

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Шу йил 15 сентябр куни Адлия вазирлигида вазир А.Полвон-зода ва Федерал Бремен ерининг (Германия) адлия сенатори, бургомистр Хеннинг Шерф раҳбарлигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида томонларни қизиқтирган бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган **"Суд тизимининг мустақиллигини такомиллаштириш чора-тадбирлари ва асосий йўналишлари"** мавзуидаги Халқаро Конференцияда иштирок этиш ҳамда мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик мутасаддилари билан учрашув ўтказиш мақсадида ташриф буюрган Германия делегациясига Адлия вазири А.Полвон-зода Ўзбекистонда ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Бургомистр Х.Шерф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Германия томони ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда бу борада ходимларнинг тажриба алмашувини йўлга қўйиш ҳақида фикр билдирди.

Германиялик меҳмонлар томонидан товар айирбошлаш, ҳар икки мамлакат ўртасидаги қўшма корхоналар сонини кўпайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги қонунчилигини такомиллаштириш, хорижий инвесторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳар икки давлат учун долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ушбу вазифанинг амалга оширилиши, энг аввало, фуқаролик қонунчилиги самарадорлигини таъминловчи қонунчилик базасини яратиш, ундаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини шакллантириш билан боғлиқ.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Федерал Бремен ерининг адлия сенаторлиги ўртасида ҳуқуқий ҳамкорликнинг келгусидаги аниқ режалари белгилаб олинди.

Saylov qonunchiligi

Газетанинг ўтган сонида «Сайлов қонунчилиги» деб номланган янги рукн остида дастлабки мақола чоп этилган эди. Қуйида ана шу мавзудаги иккинчи мақола билан танишасиз.

САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР



САВОЛ: Сиёсий партиялар қонунчиликка биноан, нечта нафаргача депутатликка номзод кўрсатиши мумкин?

ЖАВОБ: *Янги таҳрирдаги "Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудида бир юз йигирмата сайлов округлари ташкил этилади. Шу боис сиёсий партиялар ҳар бир сайлов округидан биттадан, яъни 120 нафар номзод кўрсатиши мумкин.*

САВОЛ: Қайси фуқаролар депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинмайди?

ЖАВОБ: *Содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;*

— сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

— Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

САВОЛ: Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қачонгача давом этади?

ЖАВОБ: *Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида, яъни сайловга 42 кун қолганида тўхтатади.*

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугаллана-

(Давоми учинчи бетда)

Ajab savdolar

ДЎСТМАМАТОВЧА "КАШФИЁТ"

I. "8/Ш"-РАҚАМЛИ ХАТ

Гапни хиёл илгарироқдан бошлайдиган бўлсак, кунларнинг бирида Сиёб тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига "Мўминжон" хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасида касса чеки берилмаётгани тўғрисида ариза тушади. Ариза муаллифи Самарқанд шаҳри, Сузангарон кўчасидаги 120-уйда яшовчи Д.Баҳронова эди.

Шундан сўнг туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Б.Дўстмаматов "8/Ш"-рақамли хат билан бу ҳақда вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига хабар беради. Бундан ташқари, Б.Дўстмаматовнинг қўлида хусусий фирманинг автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси устидан бошқа фуқаролардан тушган аризалар ҳам бор эди.

Ўз навбатида вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи 2003 йил 13 май санаси билан 30-сонли буйруқ тайёрлайди. Буйруққа асосан бошқарма ходимлари С.Валиев, А.Сайидов ва Ф.Файзиев туман истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Б.Дўстмаматовни ёнларига олиб, хусусий фирманинг "Шобот" кўчасида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасига боришади. Улар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли, 2003 йил 31 январдаги 53-сонли қарорлари бажарилиши юзасидан шахобчада мониторинг ўтказишади.

Бу ҳолатни аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, ўша куни фуқаро Д.Маҳмудов ўзининг "Дамас" русумли автоцистернасига шахобчадан 2 литр "А-76" маркали ёқилғини 500 сўмга сотиб олади. "АЁҚШ" оператори М.Абдурасулов ёқилғи пулини олади, аммо истеъмолчига назорат касса машинасининг чекини уриб бермайди. Шундан сўнг мониторинг ўтказувчилар дарров ишга киришишади. Улар оператор М.Абдурасулов иштирокида далолатнома тузишади. Сўнг вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ана шу далолатнома асосида 2003 йил 15 май куни "Мўминжон" хусусий фирмасига энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисида 15-сонли қарор қабул қилади.

Хўш, бу молиявий жарима қанчалик асосли эди?

II. ВАКОЛАТ ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ...

Ваколат сўзи замирида жуда катта маъно мужассам. Бунинг устига мамлакатимиздаги ҳар бир идоранинг ваколат доираси қонун воситасида белгилаб қўйилган. Бу идоралар ана шу ваколат доирасида фаолият юритади. Ваколат доирасидан чиқиш эса қонунбузарлик саналади.

Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 августдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси тўғрисида"**ги Низомнинг 5-бандида қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларига истеъмол товарлари нархларини ва хизмат таърифларини мониторингини ўтказиш ваколати берилганлиги қайд этилган. Мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасига ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига бошқа турдаги мониторинглар ўтказиш ваколати кўзда тутилмаган.

Демак, баён этилган воқеа таҳлилидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳудудий бошқарма ходимлари ваколат доирасидан четга чиққан. Аниқроқ айтганда, улар ўзбошимчалик билан ноқонуний текшириш ўтказиб, уни мониторинг, деб аташган. Бу ҳақда далолатнома тузиб, хўжалик юритувчи субъектга асоссиз молиявий жарима қўллашган.

Энг асосийси, ҳудудий бошқарма хусусий фирмада қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун Республика назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашдан рухсат олмаган. Бундан ташқари, текширувчиларга тақдим қилинган **"Текширишларни рўйхатга олиш китоби"**га ҳудудий бошқарма ходимлари томонидан текшириш юзасидан зарурий маълумотлар киритилмаганини қандай изоҳлаш керак?!

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

"КИМОШДИ" САВДОСИ

ОРҚАЛИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 январдаги қарори асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан автотранспорт воситаларининг "олди-сотди" шартномаларини расмийлаштирилиши нотариуслар, шунингдек, савдо ҳуқуқи учун тегишли рухсатномага эга бўлган ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автотранспорт ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ҳамда воситачи (дистрибьютер) ташкилотлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бундай ҳуқуққа Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий ва техника жиҳатидан ҳамда молиявий таъминлаш Департаментининг ҳудудий бўлимлари ҳам бундай ҳуқуққа эга.

Автотранспорт воситаларини ""кимошди"" савдоси орқали сотишни тартибга солиш ҳақида Адлия вазирининг 2003 йил 10 февралдаги 10-ум сонли буйруғи билан Вақтинчалик Низом амалиётга жорий этилган. Мазкур низомда белгиланишича, "кимошди" савдоси Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг тегишли ҳудудий бўлимининг суд қарорларини ижро этиш масалалари бўйича катта инспекторлари томонидан ўтказилади.

"Кимошди" савдоси қуйидаги ҳолларда Департаментнинг тегишли ҳудудий бўлими билан келишилган ҳолда ҳужжати ижро этилаётган жойдаги туман (шаҳар) марказларида ўтказилиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида ислоҳотларни изчил амалга оширишга қаратилган қонунчиликнинг бажарилишини, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, ҳар қандай кўринишдаги бюрократик тўсиқларни тугатиш адлия идораларининг энг муҳим вазифасидир. Шу мақсадда Бухоро вилояти адлия бошқармаси маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, корхона, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларининг тўғри ва бир хилда қўлланишини доимий равишда ўрганиб бормоқда. Ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қарорларни ўрганиш жараёнида қонунчиликка зид қарорлар қабул қилинаётгани ҳам маълум бўлмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Бухоро тумани ҳокимининг шу йил 24 февралдаги 97-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли, Бухоро вилояти ҳокимининг 2003 йил 14 ноябрдаги 85-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида "Янги турмуш" ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил топган фермер хўжаликлари раҳбарларининг 1-сонли йиғилиши номасига асосан "Бешариқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилади. Уюшмани давлат рўйхатига олиш ва тегишли бўлимларга рўйхатга қўйиш туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси зиммасига юклатилди.

Фуқаролик кодексининг 77-моддасига асосан фермер хўжаликлари ихтиёрий равишда бирлашиб, "Бешариқ" сувдан фойдаланиш уюшмасини ташкил этишган.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, уюшма қонун доирасида ташкил топган бўлса, нега у бир ой ҳам фаолият кўрсатмади? Нега вилоят адлия бошқармаси туман ҳокими Некмурод Пўлатов номига уюшмани ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритди?

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарорига асосан шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузурида ташкил топган инспекциялар тадбиркорларни давлат рўйхатига олади. Бухоро тумани ҳокими эса ваколат доирасидан четга чиқиб, сувдан фойдаланиш уюшмасини ташкил этиш тўғрисида ноқонуний қарор қабул қилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги **"Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"**ги қарорига асосан ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик бирлашмалари (корпорация, концерн, уюшмалар, иттифоқлар ва бошқалар) мулкчилик шаклидан қатъи назар, Адлия вазирлиги ва жойлардаги бошқармалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган. Ҳоким эса қабул қилган қарорим қатъий, деб жимжимадор имзо чеккан.

Адлия бошқармаси туман ҳокими номига тақдимнома киритгач, Вазирлар Маҳкамасининг 1000, 1006 ва 2-сонли қарорларга асосан Қоракўл тумани ҳокими ҳам "Дурмон", "Зиёрат", "Қоракўл Мироб" сувдан фойдаланиш уюшмаларини ташкил қилган. Назорат тартибидаги текширишда чуқур ва ҳар томонлама таҳлилдан сўнг мазкур қарорлар ҳам ғайриқонунийлиги сабабли бекор қилинди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: қонунга хилоф бундай қарорлар қабул қилишнинг сабаби нима билан изоҳланади?

Гапнинг очиғини айтганда, ҳамма гап ҳуқуқий саводхонликка бориб тақалади. Яъни ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги ана шундай хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун туман ҳокимликларига пухта билим ва малакага эга ҳуқуқшунослар жалб этилса, юқорида тилга олинган хатолар, ғайриқонуний қарорларнинг олди олинади.

Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Наим Кенжаев номига Олот тумани ер ресурслари хизматида йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритди.

Хўш, бунга нима сабаб бўлди?

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги қарори ва вилоят адлия бошқармасининг шу йил иккинчи ярим йиллик иш режасига асосан Олот тумани ер ресурслари хизматида тадбиркорликка оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши ва хўжалик юритувчи субъектларга ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилди.

Олот тумани ер ресурслари хизмати томонидан шу йилнинг 6 ойи давомида Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг рухсатига биноан хўжалик юритувчи субъектларда режадаги 5 та текшириш ўтказилган.

Ер ресурслари хизмати бошлиғининг шу йил 17 март кунидаги 4-сонли буйруғига асосан "Мўминов Махмуд" фермер хўжалигида ҳам текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 19 март куни далолатнома тузилган.

Бироқ текширувчилар фермер хўжалиги раҳбарига далолатноманинг бир нусхасини бермаган. Бу билан улар **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонуннинг 17-моддаси талабларини қўпол равишда бузишган. Худди шундай "фаромушхотирлик" "Чарос", "Бебут Прим", "Ҳайдаров Алижон" фермер хўжаликларида ўтказилган текширишларда ҳам такрорланган.

Бундан ташқари, номлари тилга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунбузилишлар юзасидан қўлланилган жарима текшириш ўтказилган кунга қадар ижро этилмаган. МЖТКнинг 330-моддасида **башарти маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмаслиги** белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, юқоридаги ҳолатларда қонун талабларига риоя қилинмаган.

Туман ер ресурслари хизмати мутасаддиларидан тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган аризаларни қайд этиш журнали сўралганда, улар елка қисиб қўйишди. Аён бўлдики, бундай журнал юритилмаган.

Маълумки, ариза фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги талаби, илтимоси ифода этилган мурожаатдир. "Дониёр Салоҳиддин" фермер хўжалиги раҳбари 2003 йил 20 декабрда туман ер ресурслари хизмати бошлиғи номига ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштиришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Қизиғи шундаки, мазкур идора томонидан фермер хўжалиги раҳбари ариза билан мурожаат қилмасдан олдин, яъни 2003 йил 6 декабрда шартнома қайта расмийлаштирилган. "Суннат Усмонов" фермер хўжалиги раҳбари бошига ҳам шундай савдо тушган. Ер ресурслари хизмат мутасаддилари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги **"Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 486-қарори мавжудлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган. Дард устига чипқон деганларидек, тумандаги барча фермер хўжаликлар билан қайта расмийлаштирилиб тузилган узоқ муддатли ижарага олиш шартномаларида тупроқ балл бонитети кўрсатилмаган. Буни қандай изоҳласа бўлади? Бепарволикми ёки лоқайдлик? Ёки қонун ҳужжатлари моҳиятини чуқур англамай қўл силтаб қўйишми?

Хулоса сифатида айтсак, тадқиномалар мавжуд вазиятга ижобий таъсир кўрсатадиган, қонунларнинг ишлаб кетишини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Айни пайтда мансабдорларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни ҳам беқиёс.Шунинг учун тақдимномалар киритилгач, унинг ижросига юзаки муносабатда бўлиш кечирилмас ҳолдир.

Мардон МАҲМУДОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ijro nazorati

Ogohlikka da`vat

БУЮК КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ

Сўнгги вақтларда дунёнинг турли бурчакларида содир этилаётган террорчилик хуружлари оқибатида кўплаб бегуноҳ инсонлар қурбон бўлмоқда. Террорчилар ёвуз мақсадлари йўлида ҳимоясиз ва ожиз болаларни ҳам аяшмади. Бу терроризмнинг минтақа ва ҳудуд танламаслиги, ғаразли ва манфур ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳозирда ҳеч бир мамлакат ва халқ ўзини терроризм хавфидан холи деёлмайди. Содир этилган террорчилик хуружларининг сабаблари ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлаш жоизки, бу жиноий ҳаракатларнинг илдизи халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бориб тақалади. Хориждаги қора ниятли ҳомийлари ёрдамида жиноятчи кимсалар ишонувчан ва содда кишиларни, айниқса, ҳали ҳаётдан ўз ўрнини топмаган ғўр ёшларни йўлдан адаштириб, ёвуз мақсад қурбонига айлантирмоқда. Бу эса ҳар доим огоҳ бўлишни, ёшларнинг қалб ва онги, соғлом тафаккури учун курашишни тақозо этади. Чунки террорчилар юртимизда ҳам бир неча бор хуруж қилди.

Ҳолбуки, қатағон даврларида ҳам ўз эътиқодидан воз кечмаган, асосий қонунида ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динига эътиқод қилиши кафолатланган халққа дин ниқоби билан қарши бориш мумкин эмас. Чунки ислом дини ва маданияти халқимиз қон-қонига сингиб кетган.

Дунёга машҳур ислом уламоларини етиштириб берган халқимиз доимо динни қалбида асраган. Буюк бобокалонимиз ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандийнинг "Дилинг Оллохда, қўлинг ишда бўлсин" деган ўгитининг қадри асрлар ўтган сари ортиб бормоқда. Афсуски, дин ниқоби остида ҳокимиятга интилаётган, динни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилаётган гумроҳлар бу ҳақиқатни ҳеч қачон англаб етолмайди.

Ана шундай аждодларимизнинг вориси сифатида ҳар бир юртдошимизнинг келажаги учун бирдек масъулмиз. Шундай экан, ҳар бир киши ҳаётга очиқ кўз ва ҳушёрлик билан қараб, ёлғон ва ғаразли ақидаларга қарши қатъий кураш олиб бориши лозим. Зеро, юрт осойишталиги ҳаммамизга бирдек зарур. Чунки шу юрт тинч бўлса, ойламиз тинч бўлади, фарзандларимиз келажаги таъминланади.

Илёс ЗОИРОВ,
ҳуқуқшунос

Dakki

ЖАРИМА РАД ЭТИЛДИ

ЧУНКИ У ШАРТНОМАДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМАГАН ЭДИ

Бозор муносабатлари шароити олинган ва сотилган мол ҳамда маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни тақозо этади. Акс ҳолда ишингиз касод бўлиши ҳеч гап эмас. Муддати ўтказиб юборилган тўловлар учун устама ва жарима қўлланилади. Бой берилган имкониятлар, кўрилган зиёнларнинг ўрни ана шу йўл билан қопланади.

Бироқ шу йил Урганчдаги "Иқтисод", "Бинокор" деб номланган масъулияти чекланган жамиятлар, "Табассум" хусусий корхонаси, Урганч туманидаги "Марим", Янгибозор туманидаги "Ҳалима Хидир" фермер хўжаликлари, Тошкентдаги "Дилек Интерпрайз" хорижий корхонаси ва яна қатор хўжалик субъектлар мутасаддиларининг жавобгар ҳисобланган тарафлардан муддатида тўланмаган дебиторлик қарзлари бўйича устама ва жарималар ундириш йўлидаги ҳаракатлари зое кетди. Аниқроқ айтганда, суд уларнинг бу борадаги талабларини ё қисман ё тўлиқ рад этди.

Хўш, бу саъй-ҳаракатлар нега самарасиз кетди? Қарзлар вақтида ундирилмаганининг сабаби нима билан изоҳланади?

Масала синчиклаб ўрганилса, барига даъвогарлар томонидан йўл қўйилган атиги битта хато сабаб бўлгани ойдинлашади. Гап шундаки, тарафлар тўлов масаласини ўзаро келишув йўли билан ҳал этиш учун деярли беҳуда елиб-югуришган, судга мурожаат қилишга эса кўпам шошилишмаган. Бунинг устига устама қўллашга доир шартни ўзаро ҳуқуқий шартномада анча мужмал, баъзи ҳолларда эса қонун талабига тўлиқ риоя этмаган ҳолда акс эттиришган.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бу, сингари беҳуда уриниш, чиранишларнинг барига томонлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини лозим даражада билмаслиги, шерик ва ҳамкорларининг тўлов қобилиятини аниқламай туриб, шартномавий муносабатга киришгани сабаб бўлган. Башарти, томонлар Фуқаролик кодексининг 326 ва 335- моддалари, Олий хўжалик судининг 1999 йил 5 февралдаги 77-сонли Пленум қарори талабларидан хабардор бўлишган ва унга қатъий риоя этишганда, дебиторлик қарзи, устама ва жарималар ундиришга қаратилган ниятларини бемалол амалга оширишарди. Начора, суд ноқонуний талабни рад этишга тамомила ҳақли.

Қонун ҳамиша аниқлик ва изчилликни талаб қилади. Лекин баъзи идора ва ташкилотларда бунга икир-чикир сифатида қараш ҳоллари мавжуд. Айрим хўжалик субъектлари эса буни ўз билганича ҳал этишга уринади ва қарзни тўлаш муддати тугагани ҳамон судга мурожаат қилмайди. Натижада устамага доир аксарият талаблар қаноатлантирилмайди. Шуни эътибордан соқит этмаслик зарурки, бу ҳол устама, жарима ва зарарга доир бандлари мавжуд бўлмаган ёки ноаниқ ҳамда қонунга зид ҳолда ифодаланган шартномаларга кўпроқ тааллуқли. Модомики, шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатларда устамага оид шартлар қонунга тўлиқ амал қилинган ҳолда акс эттирилса, суд ва суриштирув идоралари буни, албатта, инобатга олади. Юқоридагиларга асосланиладиган бўлса, "Иқтисод" масъулияти чекланган жамиятнинг 125 минг, "Бинокор" жамиятининг 789 минг, "Табассум" корхонасининг 445 минг, "Телеком" шаҳобчасининг 76 минг, "Марим" фермер хўжалигининг 68 минг, "Дилек Интерпрайз" хорижий корхонасининг 48 минг сўм миқдорида устама ҳамда жарима ундириш бўйича илгари сурган даъвоси суд томонидан тамомила ҳақли равишда ҳал этилган.

Таъкидлаш жоизки, бу билан даъвогарларни жиддий равишда айблашга ҳожат йўқ ва у мантиққа ҳам мос келмайди. Негаки, "сувни лойқалаётганлар" бошқа тарафда. Улар — нуқул ўзларининг манфаатлари йўлида бўлажак ҳамкорлари қўйнини "пуч ёнғоқ"қа тўлдириб, қоп-қоп ваъда берган айрим идора ва ташкилотларнинг раҳбарлардир. Юқорида номлари келтирилган ва айбсиз айбдорларга айланаёзган даъвогарларни ҳам айнан ана шу тоифа устамонлар чув туширишган. Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Ўзаро шартномавий мажбуриятга биноан Урганч қурилиш-монтаж унитар корхонаси шаҳардаги "Бинокор" масъулияти чекланган жамиятга 4 миллион сўм, вилоят кўкламзорлаштириш бош бошқармаси "Табассум" хусусий корхонасига 796 минг сўм, маҳаллий суғурталаш дирекцияси Урганч туманидаги "Марим" фермер хўжалигига 649 минг сўм, вилоят транспорт-экспедиция корхонаси "Хоразм-телеком" шаҳобчасига 149 минг сўм, Урганч қурилиш-монтаж бошқармаси "Иқтисод" масъулияти чекланган жамиятга 266 минг сўм, "Гурлан-савдо" ҳиссадорлик жамияти "Дилек интерпрайз" хорижий корхонасига 174.1 минг сўм, "Автойўлқурилиштаъмир" масъулияти чекланган жамият эса Урганч шаҳар Давлат солиқ инспекциясига 23 миллион сўм ҳажмидаги қарз пулини ҳаялламай тўламоғи зарур эди. Таассуфки, томонлар тўлов масаласини муросаю-мадора билан ҳал этишолмади. Иш суддагина ечим топди. Жавобгарлар зиммасига юқорида кўрсатилган миқдордаги қарз пулини тўлаш мажбурияти юклатилди. Шунингдек, ишга оид суд харажатлари ҳам жавобгарлардан ундириладиган бўлди.

Бундай ҳолатдан асралишнинг йўли битта: омилкорлик. Бозор муносабатлари даври талаб-тамойили ва тақозоси ҳам шу омилкорлик. Бугун сўзи ва ишида собитлар, ҳуқуқи, бурчи ва мажбуриятини англаган ҳамда унга амал қилганларнинг омади чопади. Бу тамойилнинг ҳаққонийлигини вақт аллақачон исботлади.

Ойбек ЕМБЕРГАНОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Faoliyat

ИЖРО АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Мамлакатимизда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, қабул қилинган суд қарорлари ёки бошқа идоралар ҳужжатларининг ижроси бажарилсагина давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаати ҳимояси тўлиқ таъминланади. Таъкидлаш жоизки, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши суд ижрочиларининг яхлит тармоқ сифатида шаклланиши, шунингдек, суд ва бошқа идоралар ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилишини кафолатлади.

Ушбу қонун суд ҳужжатлари, қонунда белгиланган ваколатларни амалга ошираётганларида жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёки улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа идораларнинг ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган муносабатларни тартибга солди. Унда суд ва бошқа идоралар ҳужжатларини ижро этишнинг умумий қоидалари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан ижро ҳаракатларининг таъминланиши, чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини ижро этиш, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари, суд ижрочисининг мақоми ва бошқа ижро иши билан боғлиқ ҳолатлар аниқ белгилаб берилган.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд, бошқа идора ёҳуд ундирувчидан ижро учун қабул қилиб олиб, ижро ишини юритади. Бу ҳақда уч кундан кечиктирмай қарор чиқарилиб, унда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун қарздорга кўпи билан беш кун муддат белгилайди. Кўрсатилган муддат тугагунча талаб бажарилмаса, ушбу қонуннинг 82-моддасида назарда тутилган жарима ундирилган ҳолда мажбурий ижро амалга оширилиши тўғрисида маълум қилинади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа идорага юборилади.

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан мулкий ундирув бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиб, уларни хатлашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда мазкур қарорда кўрсатиб ўтади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

Айтиш жоизки, суд қарори ёки бошқа идоралар ҳужжатлари тўлиқ ижро этилгандагина адолат қарор топади. Шу боис ижро самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу жараёнда ижрочиларнинг иши доим ҳам силлиқ кечавермайди. Ўз бурчи ёки масъулиятини чуқур ҳис қилмайдиган, айрим ҳолларда имконияти бўлмаган фуқаролар ижронинг ўз вақтида амалга оширилишида муаммолар туғилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш билан боғлиқ қонун талаблари ғоят қўл келади.

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддат ўтгани мажбурий ижро чораларини қўллаш учун асос бўлади. Мол-мулкни хатлаш ва уни реализация қилиш йўли билан ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш, ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ва пул маблағларига қаратиш, ундирувчи қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш, ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш, ижро ҳужжатларининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар мажбурий ижро этиш чоралари ҳисобланади.

Умуман айтганда, ижрони амалга ошириш фуқаронинг бузилган ҳуқуқини тиклаш демакдир. Демак, ҳар бир суд қарорининг қонуний ижроси адолатни тиклашдир.

Ғайрат МАЪРУПОВ,
ҳуқуқшунос

Taassuf

ФЕРМЕР НЕГА ЖАЗОЛАНДИ?

Мингбулоқ туманидаги "Муҳтарамабону" фермер хўжалигининг бошлиғи Баҳодир Ўлмасов жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ суди томонидан судланди ва қонуний жазо олди.

Суд мажлисида иштирок этган фуқаровий даъвогар Бахтиёр Умаров туман ер ресурслари хизмати бошлиғи вазифасида ишлайди. Унинг таъкидлашича, бир қатор мутасадди идора ходимлари билан биргаликда туманда қишлоқ хўжалик ишларининг бориши, ғўза қатор ораларига ишлов бериш агротехника тадбирларини ўтказилишини бориши тўғрисидаги ишларни назорат қилиш бўйича қисқа муддатли мониторинг ўтказилади. Ўтказилган тадбир давомида "Гулбоғ" ширкат хўжалиги 3-жамоа пудрати ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган "Муҳтарамабону" фермер хўжалиги ерларидан белгиланган мақсадда фойдаланмагани аниқланади. Яъни фермер хўжалиги режага асосан 22.7 гектар майдонга пахта экиши лозим бўлган. Лекин фермер хўжалигининг бошлиғи пахта экиш режалаштирилган 0.7 гектар майдонга шоли, 2.4 гектар майдонга эса ғўза ораларига қовун экади. Кейинчалик қовун палакларини қолдириб, ғўза кўчатларини бир туп ҳам қолдирмай юлиб ташлайди. Фермер хўжалигининг бошлиғи шахсий даромад олиш мақсадида қовун парваришига зўр беради. Баҳодир Ўлмасов ўзининг бу хатти-ҳаракатлари билан давлатга 2628313 сўм моддий зарар келтиради.

Туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллигида бош ҳисилот вазифасида ишлаётган Расулжон Нурматов ҳам суд мажлисида иштирок этди. Унинг тасдиқлашича, амалдаги йилнинг 30 июн куни қисқа муддатли мониторинг ўтказилган. "Муҳтарамабону" фермер хўжалиги 2004 йилда 4 гектар ерга ғалла, 22.7 гектар ерда пахта етиштиришни режалаштирган. Текшириш кунида фермер хўжалиги 4 гектар ердаги ғаллани ўриб йиғиштириб олгани ва ер майдонини шудгорлаб қўйгани маълум бўлди. Шунинг билан бир қаторда 19.6 гектар ерда ғўза парваришланаётган экан. Бу режадаги ерга эса нисбатан 3.1 гектар кам эди. Фермер хўжалиги бошлиғининг бевосита буйруғи билан 2.4 гектар ердаги шоналаб, гуллаётган ғўза кўчатлари юлиб ташланади. Бундан ташқари, фермер 0,7 гектар ерга шахсий манфаати учун шоли экиб олади.

— "Муҳтарамабону" фермер хўжалиги билан шу йилнинг 2 январ куни 125-сонли контрактация шартномаси имзоланган, – дейди суд мажлисида иштирок этган "Гулбоғ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг бош ҳисобчиси Фаррух Мамажонов. — Шартнома шартларига кўра фермер хўжалиги 22,7 гектар майдон ҳисобидан 61,8 тонна пахта хомашёсини етказиб бериш мажбуриятини олган эди.

Суд мажлисида судланувчи Баҳодир Ўлмасов ўз кўрсатмасида зиммасига қўйилган айбга тўлиқ иқрор бўлади.

— Ҳақиқатан ҳам, 26,7 гектар экин майдонининг 4 гектарига режа бўйича ўтган йилнинг кузида буғдой экдим, — дейди у, — қолган 22,7 гектар ерга режа бўйича пахта экиш режалаштирилганди. Бироқ мен 8 апрелдан 20 апрелгача 22 гектар ерга чигит экдим. 0,7 гектар майдонни шоли экишга олиб қўйдим. 20 май куни "Авангард" навли шоли уруғини белгиланган жойга сепдик. Шайтон йўлдан уриб, шу куни 2,4 гектар ердаги ғўза қатор ораларига қўлда қишки қирқма қовун экдик. Экилган уруғ бир текис униб чиқди. Бир текис шоналаб, гуллаётган ғўзаларни юлиб, қовунларни парваришга қолдирдик...

"Гулбоғ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг бош иқтисодчиси Аҳмаджон Мамадқодировнинг ҳисоб-китобларига кўра, "Муҳтарамабону" фермер хўжалигининг "Гулбоғ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига топшириши лозим бўлган 8400 килограмм пахта хомашёсидан 2645 килограмм — 2524004 сўмлик тола, 4553 килограмм — 104309 сўмлик чигит олиниши кўзда тутилган эди. Бир сўз билан айтганда, фермер хўжалиги давлатга 2628313 сўмлик миқдорида зарар келтирди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Қишлоқ жойларда деҳқон ва фермер хўжаликларининг тўғри ташкил этилиши муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда. Афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, фермерлар орасида ҳам эл-юрт, ватан манфаатидан кўра ўзининг шахсий манфаатини устун қўяётганлар ҳам учраб турибди. Улар ўзларининг шахсий манфаати йўлида халқнинг бойлиги бўлмиш муқаддас ерни талон-тарож қилишмоқда. Бугунги фермер аввало ўз манфаатидан кўра эл-юрт, ватан манфаатини устун қўйиб меҳнат қилмоғи лозим эмасми?! Шу ўринда халқимизнинг орасидаги бир дуо ёдга келади: **"Аввало кўпга, кўпнинг қаторида бизга берсин!"** Ана шу ҳикматга амал қилган киши асло кам бўлмайди.

Нурилло АББОСОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАҚИ ДАХЛСИЗДИР

Qonun dastagi

"Абдуллахон ота" хусусий фирмаси Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган етакчи тадбиркорлик тармоқларидир. Фирма раҳбарлари ўтган йилнинг 1 июл куни "Тўрақўрғон нефт базаси" унитар корхонаси билан хусусийлаштирилган автомобил ёнилғи қуйиш шахобчаларига нефт маҳсулотлари етказиб бериш ва олиш юзасидан 11-сонли шартномага имзо чекишганди.

Мазкур шартномага асосан нефт базаси унитар корхонаси ўтган йилнинг 31 декабр кунигача жами 700 тонна бензин маҳсулотини "Абдуллахон ота" хусусий фирмасига етказиб бериш, хусусий фирма эса маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади. Лекин "Абдуллахон ота" хусусий фирмаси томонидан нефт маҳсулотларига пул маблағлари аввалдан ўтказиб қўйилганига қарамай, 11-сонли шартнома мажбуриятлари нефт унитар корхонаси томонидан чала-чўлпа бажарилади. Шартномада акс эттирилган 700 тонна бензин маҳсулоти ўрнига 2003 йилнинг 31 декабригача бор-йўғи 126.452 литр, яъни белгиланган режадагидан 573.548 литр кам бензин маҳсулоти етказиб берилган. Шартнома мажбуриятларига амал қилмаслик, уни қўпол равишда бузиш ҳолатлари амалдаги йилда ҳам унитар корхона томонидан давом эттирилди. Шу йилнинг 2 январ кунида "Абдуллахон ота" хусусий фирмаси унитар корхона билан 28-сонли шартномани имзолайди. Шартнома шартига биноан нефт базаси унитар корхонаси жорий йилнинг 31 мартига қадар жами 150 тонна бензин маҳсулотини етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Афсуски, хусусий фирмага 150 тонна ўрнига 73.717 литр яъни кўзда тутилганидан 76.283 литр кам бензин маҳсулоти етказиб берилган.

Фуқаролик кодексининг 443-моддасида товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлиқ етказиб бермаган товар етказиб берувчи, агар товар етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда тўлдириши лозим, дея қайд этилган. Лекин нефт базаси унитар корхонаси ушбу қонун талабларини бузиб, айни кунларгача бензин маҳсулотларини етказиб бериш чора-тадбирларини кўргани йўқ. Томонлар ўртасида тузилган шартномаларнинг 4.1 бандига асосан етказиб берувчи томонидан жадвалда кўрсатилган нефт маҳсулотини ҳар ўн кун ичида сабабсиз етказиб берилмаган тақдирда "етказиб берувчи" "истеъмолчи"га мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида, лекин етарли миқдорда етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда устама тўлаши белгиланган. Демак, ўтган йилнинг 1 июл кунидаги 11-сонли шартномага асосан етказиб берилмаган 573,548 литр нефт маҳсулоти қиймати 153.789.719 сўмни ташкил қилади. Шу боис унитар корхонаси "Абдуллахон ота" хусусий фирмаисга 553,789.719 сўм асосий қарзнинг 50 фоиз миқдорида, яъни 76.894.859 сўм устама тўлаши керак. Жорий йилнинг 2 январ куни тузилган 28-сонли шартномага асосан етказиб берилмаган 76,283 литр бензиннинг қиймати эса 22.314.455 сўмга тенг. Бунинг 50 фоизи 11.157.227 сўм. Демак, "Тўрақўрғон нефт базаси" унитар корхонаси "Абдуллахон ота" хусусий фирмаси билан ўтган йилдаги 11-сонли ҳамда жорий йилдаги 28-сонли шартномаларга асосан етказиб берилиши лозим бўлган маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермагани учун жами 88.052.08 сўм устама тўлаши лозим.

Наманган вилояти адлия бошқармаси яқинда "Абдуллахон ота" хусусий фирмаси манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос

Huquqiy ma`rifat

“КИМОЩДИ” САВДОСИ

ОРҚАЛИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Истисно ҳолатларда, яъни автотранспорт воситасининг бошланғич нархи энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан юқори бўлмаса; автотранспорт воситаси мутахассисининг хулосасига асосан техник жиҳатдан носоз деб топилган ва унинг бошланғич нархи энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан юқори бўлмаса, “кимошди” савдоси Департамент ҳудудий бўлимининг кўрсатмасига асосан туман (шаҳар) марказларида бевосита суд ижрочиси томонидан ҳам ўтказилади.

Суд ижрочиси томонидан “кимошди” савдоси ҳақида матбуотда эълон берилгунига қадар автотранспорт воситасининг нархи ҳамда унинг техник кўрикдан ўтгани тўғрисида экспертиза хулосаси олинган бўлиши лозим.

“Кимошди” савдосини ўтказувчи суд ижрочисидан автотранспорт воситаси ҳақида тегишли маълумотларни олгандан кейин савдо ўтказилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларга хабар беради. Эълон “кимошди” савдосини ўтказувчи томонидан камида битта оммавий ахборот воситаси орқали чоп этилиши лозим.

Эълонда “кимошди” савдосининг ўтказилиши вақти, жойи ва санаси, ўтказиш тартиби, автотранспорт воситасининг тури ва сақланаётган жойи, бошланғич нархи, савдо иштирокчиларининг сотувга қўйилган мулклар билан таништириш тартиби, савдода қатнашиш учун ариза ва ҳужжатларни қабул қилишнинг охирги муддати, бошланғич нархдан келиб чиққан ҳолда (10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) дастлабки тўлов тўланадиган Департамент ҳудудий бўлимининг депозит ҳисоб рақами (агар “кимошди” савдоси суд ижрочиси томонидан ўтказилса, тегишли суд ижрочилари бўлинмасининг депозит ҳисоб рақами) ва ҳар бир автотранспорт воситаси учун тўловнинг ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда алоҳида тўлов ҳужжати (патта) билан амалга оширилиши; савдони ўтказувчининг хизмат телефони рақами ҳақидаги маълумотлар акс эттирилиши шарт.

Бундай эълон оммавий воситалари орқали савдодан камида 30 кун олдин, такрорий ўтказилаётганда савдодан камида 10 кун олдин берилиши лозим.

“Кимошди” савдосини ўтказувчи хабар берилган кундан бошлаб, олдиндан берилган вақт ва санада қатнашувчи жисмоний ва юридик шахсларга савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан танишиш учун имконият яратади. Савдо иштирокчиларига автотранспорт воситалари билан олдиндан танишиш шароитини таъминлаш мақсадида, “кимошди” савдосини ўтказувчи суд ижрочиси билан биргаликда автотранспорт воситаси сақланаётган жойни ўзгартириши мумкин.

“Кимошди” савдосига унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, ўз вақтида ариза билан мурожаат қилган, Вақтинчалик Низом талабларини бажариш мажбуриятини олган, зарур ҳужжатларни тақдим этган ҳамда ҳар бир мол-мулкнинг бошланғич баҳосидан келиб чиққан ҳолда дастлабки тўловни белгиланган тартибда тўлаган жисмоний ва юридик шахсларга қатнашиш учун рухсат берилади.

Аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишига уч кун қолганда тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун “кимошди” савдосини ўтказувчи ходимга ариза, Департаментнинг ҳудудий бўлими (“Кимошди” савдоси суд ижрочиси томонидан ўтказиладиган бўлса, суд ижрочилари бўлинмаси) депозит ҳисоб рақамига дастлабки пул миқдори тўланганини тасдиқловчи, савдо ҳақидаги хабарномада (ахборот хабарномасида) қайд этилган ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган тўлов ҳужжатининг нусхаси (бунда бир нечта автотранспорт воситалари учун алоҳида тўлов ҳужжати (патта) билан тўланиши лозим); белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун); хорижий юридик ва жисмоний шахслар қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг қонуний йўл билан топилгани ҳақида маълумот тақдим этишлиши лозим.

“Кимошди” савдосига киритилган шахсларга унда қатнашиш ҳуқуқини берувчи чипта берилади, чиптада савдода қатнашаётган харидорнинг рақами; савдога қўйилаётган автотранспорт воситасининг тури; ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилади.

“Кимошди” савдоси қуйидаги тартибда ўтказилади:

— Савдо уни ўтказувчининг савдога қўйилган автотранспорт воситасининг қисқача тавсифи, бошланғич нархи, савдо ўтказишнинг асосий шартлари ҳамда автотранспорт воситасининг тўлиқ нархини тўлаш муддати, бу муддатнинг савдо натижалари бўйича тузилган баённома имзоланганидан сўнг 5 банк кунидан ошмаслиги лозимлигини эълон қилиш билан бошланади.

Мутахассис томонидан белгиланган тартибда баҳоланган нарх автотранспорт воситасининг бошланғич нархи ҳисобланади. “Кимошди” савдосининг қадами савдо ўтказиш жараёнида мол-мулкнинг харидоргирлигидан келиб чиққан ҳолда автотранспорт воситасини нархининг 1 фоизидан 10 фоизигача бўлиши мумкин.

Ҳар бир автотранспорт воситаси бўйича “кимошди” савдосини ўтказувчи белгиланган доирада савдо “қадамлари”ни танлайди. Савдо ўтказиш жараёнида талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда савдони ўтказувчи савдо “қадами”ни ўзгартиришга ҳақли.

Савдони ўтказувчи биринчи “қадам”ни ҳисобга олган ҳолда автотранспорт воситасининг бошланғич нархини эълон қилгандан сўнг қатнашувчиларнинг патталарини кўтариб, уни мазкур нархга сотиб олиш ҳақида таклиф беришини кутади. Ўтказувчи савдода қатнашувчилар томонидан биринчи бўлиб нарх ҳамда таклиф берган қатнашувчининг тартиб рақамини эълон қилади. Қатнашувчилар томонидан таклиф билан кўтарилган патта биттадан кўп бўлган тақдирда белгиланган “қадам” миқдоридан келиб чиқиб янги нарх эълон қилинади. Нарх эълон қилинганда кўтарилган патталар сони битта бўлган ҳолатда савдо тўхтатилади. Бу ҳолатда ўтказувчи охирги нархни уч мартаба қайтариб, текшириб кўриши лозим.

Автотранспорт воситасини эълон қилинган кейинги нархда сотиб олишга таклиф тушмаса, ўтказувчи ўзгартирилган (камайтирилган) “қадам”ни ҳисобга олган ҳолда қатнашувчилар томонидан таклиф этилган бундан олдинги нархни эълон қилади. Бу ҳолат охирги нархда сотиб олишга розилик берувчи битта қатнашувчи қолгунга қадар давом эттирилади.

Автотранспорт воситасининг бошланғич нархи эълон қилингач, “қадам“дан қатъи назар, қатнашувчилардан сотиб олишга таклиф тушмаса, у сотувдан олинади.

Ғолиб чиққан шахс савдо ўтказилган куни “кимошди” савдосининг якунлари бўйича тузилган баённомани имзолаши лозим.

Баённома икки нусхада, харидор ёки унинг ишончли вакили ва савдони ўтказувчи томонидан имзоланади. Баённомада автотранспорт воситасини сотувга қўйишга асос бўлган ижро ҳужжати юзасидан маълумотлар, савдо қатнашчилари ҳамда харидор, автотранспорт воситасининг тури ва унинг охирги нархи, шунингдек, томонларнинг сотиб олинган автотранспорт воситасининг пулини тўлаш ва уни топшириш юзасидан мажбуриятлари кўрсатилади. “Кимошди” савдоси натижалари бўйича тузилган ва шартнома кучига эга бўлган баённоманинг бир нусхаси харидорга берилади. Ҳамда ушбу баённома харидорнинг мазкур автотранспорт воситасини сотиб олганини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

У. ЙЎЛДОШЕВ,
ҳуқуқшунос

Saylov qonunchiligi

САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

САВОЛ: Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади?

ЖАВОБ: *Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни сайловга 53 кун қолганидан бошланиб, сайлов кунигача давом этади. Қонунда белгиланганидек, сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.*

САВОЛ: Депутатликка номзодларнинг ташвиқот олиб бориш ва дастурларни тузиш бўйича бирор-бир ҳуқуқий чегара мавжудми?

ЖАВОБ: *Депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларга уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.*

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан олиб борилиши таъқиқланади.

Савол: Ишончли вакиллар кимлар ва улар қандай вазифани бажарадилар?

ЖАВОБ: *Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан сўнг беш нафарга қадар ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Ўз навбатида сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.*

Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат ва жамоат бирлашмаларининг идоралари, сайловчилар билан ўзаро муносабатда бўлади, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириш мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

САВОЛ: Сайловчилар рўйхатларини тузиш тартиби қандай?

ЖАВОБ: *Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.*

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинчалик истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг исм-шарифи сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи сайловчилар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

САВОЛ: Участка сайлов комиссияси томонидан тузиб тасдиқланган сайловчилар рўйхатлари хусусидаги баҳслар ва уларнинг ҳал этиш тартиби қандай?

ЖАВОБ: *Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилгани тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.*

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

САВОЛ: Сайловга овоз бериш қачон ва қайси пайтда ўтказилади?

ЖАВОБ: *Сайловга овоз бериш 2004 йил 26 декабр куни эрталаб соат 6-00 дан кеч соат 20-00 гача ўтказилади.*

Рукн учун масъул:
юридик фанлари номзоди
Шуҳрат РАСУЛОВ.

Tahrirsiz maktub

ВАЪДАСИ ЁЛҒОНМИКАН?

Истиқлол йилларида қадр-қиммат, меҳр-оқибат, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби шўро замонида унут бўлган тушунчалар ҳаётимиздан қайта ўрин топди. Айниқса, биз кекса, ногирон кимсаларга кўрсатилаётган эътибор ўксик кўнглимизни шод қилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг Меҳр-мурувват йили деб белгиланиши ана шу эзгу ишларни яна бир юқори поғона кўтарилди.

Шу ўринда мен бир муаммони айтиб ўтмоқчиман. Ёшим 65 да, ногиронман, ўнг оёғимнинг тиззасидан пасти йўқ. Шу боис 2003 йилда Тошкент шаҳри, Қора-қамиш 2/3, Ўрозбоева кўчаси, 2-«а» уйда жойлашган мутахассисларга ясама оёқ тайёрлаб беришини сўраб мурожаат қилган эдим. Улар менинг буюртмамни бажаришадиган бўлишди. Шундан сўнг бир неча марта буюртмани сўраб бордим. Бироқ қачон борсам, эшикка қулф осиғлик бўлади. Бунинг устига улар ўшанда буюртмани ўзлари уйимга келтириб беришни ваъда қилишган эди. Лекин ҳамон улардан дарак йўқ.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Қора-қамиш 2/3, Ўрозбоева кўчаси 2 «а» уйдаги мутасаддиларга менга берган ваъдаларини эслатиб қўйсангизлар. Зора, сизларнинг аралашувингиз билан мен буюртмамни олсам.

Тўрабек БЕКПЎЛАТОВ,
Беруний тумани

АҲИЛЛИКНИНГ КОНИ – САВОБ

Targ`ibot

2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб аталишида жуда катта маъно бор. У миллатимизнинг қадриятлари, орзу-умид ва мақсадларига жуда мос. Бунинг шарофатини шундан ҳам билса бўладики, жойларда савобталаб инсонлар ташаббуси билан турли хайрли тадбирлар ташкил этилмоқда. Йил бошида Китоб тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, тадбиркор аёллар уюшмаси ҳам худди шундай хайрли ташаббус билан чиққан эди. Қўмита фаоллари туман марказидаги “Меҳрибонлик уйи”да тарбияланаётган норасида қизалоқларнинг 30 нафарини ўз ойласига қабул қилишди. Эзгу ташаббуснинг қаноти бор дейишади. Ушбу ташаббус бошқаларга ҳам намуна бўлди.

— 14 ёшли Маҳлиё деган қизни фарзандларим қаторига олдим. Ҳар шанба, якшанба кунлари “аяжон сизни соғиндим, дея уйимга кириб келганида юрагим тўлқинланиб кетади, — дейди Китоб тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Сарвиноз Абдуллаева. Меҳр-мурувват йилининг шарофати шундаки, биз ўзлигимизга — ўзбеклимизнинг сарватига яна бир карра назар солдик. Савоб ишни ҳар кун, ҳар соат қилсанг ҳам оз экан. Руҳан енгил тортасан киши.

Туманимизда 200 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Улар шаҳримизда 11 та маҳаллага, қишлоқларимизда эса 12 та қишлоқ фуқаролар йиғинига бирлашган. “Чармгар”, “Тошкент”, “Гулистон” маҳаллалари, “Сиваз”, “Қайнарбулоқ”, “Боғбон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолиятидан ибрат олса арзигулик. Жорий йилнинг айни шу кунигача 586 та никоҳ қайд этилган бўлса, уларнинг 100 фоизи тиббий кўрикдан ўтишди. Бор-йўғи 2 нафар йигитларда касаллик аниқланиб, улар даволанишга қайтарилди.

— Ёш келин-куёвлар ўртасида ажралиш масалалари бўйича чек қўйишда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Шукрки, туманимизда никоҳдан ажралиш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ўтган йилда 28 та шундай ҳолат қайд этилган бўлса, айни пайтгача 13 та ариза келиб тушди. Туғилиш бўйича бир пайтлар Китоб тумани мамлакатимизда олдинги ўринлардан бирида эди. “Соғлом авлод” дастури бўйича қилинган ишлар бесамар кетмади. Оқибатда болалар ўлими ҳам кескин камайди. Ҳар томонлама намунали оилалар сони кўпаймоқда.

Хуллас, оилада ҳуқуқий тарбия ва унинг тарғиботи ҳар биримизнинг эл-юрт олдидаги муқаддас бурчимизга айланиб бормоқда.

Ғози РАҲМОН,
“Инсон ва қонун” мухбири

Ajab savdolar

ДЎСТМАМАТОВЧА “КАШФИЁТ”

(Давоми. Боши биринчи бетда)

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг бир қатор бандлари талаблари қўпол равишда бузилган. Ҳеч қандай ҳуқуқлари бўлмаса-да, текширувчилар хусусий фирма раҳбари М.Каримовнинг иштироки ва рухсатисиз касса жойлашган хонага кириб далолатнома ёзишган. Шунингдек, ҳар бир текшириш ўтказилгандан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижалари қайд қилинган ҳужжатнинг бир нусхаси текшириш ўтказилган тадбиркорлик субъектига берилиши керак. Афсуски ҳудудий бошқарма ходимлари буни ҳам “унутиб” қўйишган.

III. ҚАЛБАКИ АРИЗАЛАР

Эҳтимол, бу ҳол сизга жуда ғайритабиий бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ хусусий фирма раҳбари М.Каримовнинг асоссиз молиявий жарима қўлланилгани тўғрисида Адлия вазирлигига қилган ёзма мурожаати вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилганда, текширишга асос бўлган аризаларнинг қалбакилиги очилиб қолди. Яъни туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза берган Д.Баҳронова мурожаатда кўрсатилган Самарқанд шаҳар, Сузангарон кўчасидаги 120-уйда яшамас экан. Бу манзилда фуқаро С.Маҳмудовлар оиласи истиқомат қилади.

Хўш, энди бунисига нима дейсиз? Рости гап, фуқаро О.Ғойибовнинг аризасини ўрганиш чоғида “Мўминжон” хусусий фирмасига нисбатан қандайдир ғараз, бўҳтон аралашганми, деган фикр туғилди. Чунки О.Ғойибовнинг айтишича, у ҳеч қандай ариза ёзмаган ва бундан мутлақо хабари йўқ экан. Энг муҳими, унинг ёқилғи қуйиш шахобчаси хизматидан фойдаланишга эҳтиёжи бўлмаган. Ахир, автоулови йўқ одамга ёқилғининг нима кераги бор?!.

— Ҳақиқатан ҳам, мен битта автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси устидан ариза ёзгандим, — дейди Самарқанд шаҳрининг Саттепа масканидаги 160-уйда яшовчи фуқаро О.Шодиев. — Аризамда “Мўминжон” фирмаси деб кўрсатсам-да, маълумотларни Б.Дўстмаматов айтиб ёздиранди. Мен кўрсатмоқчи бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси бошқа-ю, кейин билсам, “Мўминжон” хусусий фирмаси умуман бошқа манзилда жойлашган экан...

IV. ЭРМАН ЁҒОЧИНИНГ ЭГИЛГАНИ...

Албатта, бундай кўр-кўрона ноҳақлик изсиз қолиб кетмайди. Шу маънода Самарқанд вилоят адлия бошқармаси хусусий фирма манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди. Яъни вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг 2003 йил 15 майдаги “Мўминжон” хусусий фирмасини энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида молиявий жаримага тортиш тўғрисидаги 15-сонли қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўради. Бироқ кутилмаганда аҳвол бошқа тус олди. Вилоят хўжалик судининг шу йил 8 апрелдаги ҳал қилув қарори билан адлия бошқармасининг даъво аризаси рад этилди.

Нега?

Аввало шуни айтиш керакки, вилоят хўжалик суди судьяси Г.Абдукаримова адлия бошқармасининг ариза муаллифларини судга таклиф этиб, сўраш юзасидан киритган илтимосномасини эътиборсиз қолдирди. Бундан ташқари, суд **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”**га текширувчилар томонидан тегишли маълумотлар киритилмагани, имзолар қўйилмагани ҳолатларини инобатга олмади. **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида”**ги Низомнинг қатор бандлари талаблари қўпол тарзда бузилгани ҳам суднинг эътиборидан четда қолди.

Шунингдек, хўжалик судига киритилган апелляция шикояти ҳам рад қилинди.

Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси Республика Олий хўжалик судига кассация шикояти киритди. Олий хўжалик судининг шу йил 6 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан вилоят хўжалик судининг қарорлари бекор қилинди. Даъво талаби қаноатлантирилди. Ҳудудий бошқарма томонидан “Мўминжон” хусусий фирмасига 544 минг сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарор ҳақиқий эмас деб топилди. Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга кирди ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Бир сўз билан айтганда, адолат қарор топди. Бироқ, гувоҳ бўлганингиздек, Дўстмаматовча “кашфиёт” бир йилдан зиёд вақт ичида қанчадан-қанча одамларнинг қимматли вақтини ўғирлади. Бехуда асаббузарлик, ортиқча оворагарчиликни келтириб чиқарди.

Ҳолбуки, тадбиркор ана шундай оворагарчиликларга чалғимай, ўз фаолиятини ривожлантириш ҳақида ўйлаганда, унинг ҳеч шубҳасиз, жамиятга, халқимизга фойдаси янада кўпроқ тегарди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: бугун тадбиркорнинг йўлига суньий тўсиқ қўйиш, унинг фаолиятидан атай хато излаш даври ўтди. Бундай нохолис хатти-ҳаракат охир-оқибат юз-шувутлик, эл ичида обрў-эътиборини йўқотишга олиб келишини ҳаётдаги кўплаб воқеалар яққол кўрсатмоқда. Шунинг учун эзгу ишга тўсиқ қўймай унинг рўёбга чиқишига кўмаклашиш ҳам савоб ҳисобланади.

Буни унутишга ҳақкимиз йўқ.

Сафар ТОҒАЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Jahon tajribasi

ЯПОНИЯ: АДВОКАТУРА ТИЗИМИ

Японияниг “Адвокатлик тўғрисида”ги қонунига кўра, адвокатура фаолияти зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни амалга ошириш жараёнида ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериш сингари юят масъулиятли вазифа юклатилган.

Албатта, адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган шахс, энг аввало, олий юридик маълумот ва белгиланган малакага эга бўлиши лозим. Белгиланган малакага эга бўлиш деганда, адвокатликка номзоднинг қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши лозимлиги тушунилади:

1) Адвокатликка номзод Япония Олий суди судьяси лавозимида ишлаган;

2) Энг камида беш йил судья, прокурор, суд ижрочиси, суд котиби, Адлия вазирлиги ходими, Юридик тадқиқотлар ва билимлар институти, Клерк судларининг малака ошириш институти ёки Адлия вазирлигининг малака ошириш институтида ўқитувчи, Вакиллар палатасининг қонунчилик бюроси котиби ёки Маҳкама (Ҳукумат)нинг қонунчилик бюроси котиби лавозимида хизмат қилган;

3) Адвокатликка номзод камида беш йил ҳуқуқшунослик факультетининг профессори ёки профессор ёрдамчиси лавозимида фаолият кўрсатган бўлиши талаб этилади.

Японияда адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни истаган шахслар, аввало, мамлакатдаги Юристлар Ассоциацияси Федерациясида сақланувчи идоравий ҳужжатларда рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Бунинг учун эса адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни кўзлаган шахс округ Юристлар Ассоциацияси орқали рўйхатга олинади.

Қуйидаги ҳолларда адвокатликка номзодни рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

1) Юристлар Ассоциацияси номзодни Ассоциацияга зиён етказади, унинг обрўсини тўкади, деб топса;

2) Номзод адвокат сифатида фаолият кўрсатишга нолойиқ деб топилса, яъни шахс жисмоний ёки руҳий жиҳатдан заиф бўлса;

3) Шахсга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқлаб қўйилган бўлса.

Яна шуни таъкидлаш керакки, адвокатлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс ўз фаолиятини Япония Юристлар Ассоциацияси Федерациясининг Низоми талабларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширади. Мисол учун айтганда, адвокат ўзи қатнашаётган иш бўйича давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан тегишли ҳужжатлар талаб қилиб олмоқчи бўлса, у аввал Юристлар Ассоциациясига ариза билан мурожаат қилади. Ўз навбатида Юристлар Ассоциацияси ҳужжатни талаб қилиб олишни лозим деб топмаса, бу ҳолда адвокатнинг аризаси қаноатлантирмасдан қолдирилади. Аксинча ҳолларда эса, Юристлар Ассоциацияси тегишли давлат органи, корхона, ташкилот ёки муассасага бўлган маълумотларни тақдим қилишни сўраб мурожаат этади.



Бундан ташқари, адвокат қуйидаги ишлар бўйича ҳимоячи сифатида қатнаша олмайди:

1) У мижозининг қарши тарафидаги шахснинг ҳимоячиси сифатида аввал ҳам суд жараёнига қатнашган;

2) шу иш бўйича мижозининг қарши тарафидаги шахсга ҳуқуқий маслаҳатлар берган (агар маслаҳатнинг шакли ва даражаси мижоз-адвокат муносабатлари асосида амалга оширилган бўлса);

3) ишга адвокат илгари давлат хизматчиси сифатида иштирок этган;

4) мазкур иш юзасидан аввал судья сифатида қатнашган бўлса.

Энди бевосита Япония Юристлар Ассоциацияси ҳақида гапирадиган бўлсак, мазкур ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Мазкур ташкилот ҳар бир округ суди юрисдикцияси ҳудуди доирасида ташкил этилади. Бу ташкилотнинг Низоми Япония Юристлар Ассоциацияси Федерациясининг томонидан тасдиқланади.

Ташкилотнинг Низомида қуйидаги шартлар қайд этилган:

1) Юристлар Ассоциациясининг номи ва унинг идораси жойлашган манзили;

2) Ассоциация президенти, вице-президенти ва бошқа масъул шахсларни сайлаш тартиби, тузилиши ва ваколатларига доир қоидалар;

3) Ассоциацияга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш қоидалари;

4) Адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни рўйхатга олиш ва уни ўзгартириш тўғрисидаги қоида ва ҳоказолар.

Яна шуни айтиш керакки, мамлакатдаги барча Юристлар Ассоциацияларига умумий раҳбарликни Япония Юристлар Ассоциацияси Федерацияси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси — Япония адвокатлари, Юристлар Ассоциацияларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга раҳбарлик кўрсатмаларини бериш, мустаҳкам алоқа боғлаш ва фаолиятини узлуксиз равишда кузатиб бориш, шаън ва қадр-қимматига доғ туширмасликни таъминлаш, энг муҳими, тизимни ривожлантиришдан иборатдир.

Юристлар Ассоциацияси Федерацияси фаолиятини ўзининг Низоми асосида амалга оширади.

Юристлар Ассоциациясига аъзо бўлган адвокатлар бир пайтнинг ўзида мамлакат Юристлар Ассоциацияси Федерациясининг аъзоси ҳисобланади.

Албатта, мамлакатда ҳар бир шахс учун адвокатлик фаолиятини юритишда қатъий интизомга риоя этиш тартиби жорий этилган. Жумладан, адвокат “Адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, Япония Юристлар Ассоциацияси Федерациясининг Низоми қоидалари ёки Юристлар Ассоциацияси Низомида қайд этилган қоидаларни бузса, адвокатлик фаолиятига хос бўлмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйса, ўз касби тақозо этган вазифаларни лозим даражада бажармаса, унга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Адвокатни интизомий жавобгарликка тортиш Япония Юристлар Ассоциацияси Федерацияси ёки Юристлар Ассоциацияси қошида тузилган Адвокатларнинг интизомий жавобгарликка тортиш қўмитаси томонидан амалга оширилади. Хусусан, қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) Ҳайфсан бериш;

2) Икки йилдан кўп бўлмаган муддатга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишдан маҳрум қилиш;

3) Юристлар Ассоциацияси аъзолигидан чиқариш;

4) Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилиш.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Японияда адвокатура тизимининг ўзига хос жиҳатлари унинг марказлашганлиги билан изоҳланади. Чунки адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган шахс маълум ҳудуддаги (округдаги) Юристлар Ассоциациясига адвокат сифатида рўйхатдан ўтказилишини сўраб мурожаат қилади. Рўйхатдан ўтгач, у шу ассоциациянинг бевосита аъзоси ҳисобланади.- Бу ассоциация эса бевосита Япония Юристлар Ассоциацияси Федерацияси таркибий қисми саналади. Яна бир ўзига хос жиҳати шунда кўринадики, адвокатликка номзод олдига қўйиладиган талабларда ўта масъулиятли эканлиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, адвокатликка номзод олдига қўйиладиган талабларнинг нечоғлик юксаклиги бевосита тизимни ривожлантириш, унинг сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Суюн ЧОРИЕВ,
ҳуқуқшунос

Mushohada

ТАРБИЯ МЕВАСИ

У ОИЛАДАГИ МУҲИТГА БОҒЛИҚ

Одамзот боласи, одатда, ҳамма нарсани икки мезон асосида баҳолайди: яхши ва ёмон, салбий ва ижобий, оқ ва қора. Ҳаёт эса ана шу қарама-қарши қонуниятлар ўртасидаги кураш билан давом этаверади. Лекин бир ҳақиқат аёнки, ҳеч ким онадан ёмон бўлиб туғилмайди, ҳеч бир нарса салбий асосда вужудга келмайди. Содда қилиб айтганда, ёмонлик биринчи яралмайди. Қандайдир сабаб ёки муҳит туфайли яхшилик ўрнини ёмонлик эгаллайди. Аниқроғи, бепарволик, лоқайдлик бунга замин яратади. Бу кўп жиҳатдан тарбияга ҳам боғлиқ.

Оила — тарбия ўчоғи. Фарзанд дунёга келиб илк бор кўрган жойи оила бўлади. Оила муҳити унинг қай даражада тарбия кўришида асосий ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари, биз аксарият ҳолларда одобли, хулқи намунали бола ҳақида ижобий фикр билдирамиз, маънавиятли оилада тарбияланган, дея ҳавас қиламиз. Бебош, хулқи оғирроқ бола бўлсачи? Ҳа, ўзи аслида тарбия кўрган муҳити яхши эмас, отаси ёки онаси шунақароқ эди-да деймиз ва унга нисбатан бепарво бўламиз. Мана фожеанинг туб илдизи қаердан бошланади.

Яқинда бир танишим билан суҳбатлашиб қолдим. У баъзи одамлардаги бепарволик, бефарқлик, лоқайдлик ҳақида ўйиниб гапирди. Ана шундай иллат оқибатида келиб чиқаётган жиноятлардан оқибатида яна инсон жабр кўриши хусусида ачиниб гапирди. У оиладаги ахлоқнинг маънавият, маданият ва маърифатга таъсири нечоғлик юқори эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Арзимас сабаб ва баҳоналар билан ажраб кетаётган ота-оналарнинг қилмиши қалбимни оғритади, улар ўртасида аросатда қолаётган болаларнинг тақдири қалби уйғоқ бир одамни ташвишга солмай қолмайди, дейди у. Суҳбат асносида у қуйидаги воқеани сўзлаб берди.

Маҳалламиздаги бир оила ўзаро келишмовчиликлар туфайли ажрашиб кетди. Тўғрисини айтганда, бу оиладаги аёл енгил ҳаётга, тўкис яшашга қизиқар, оддий ишчи бўлиб ишлайдиган эрининг топган-тутганига базўр қаноат қилиб келарди. Шу боис оилада дам-бадам жанжал чиқар, энг ёмони, болалар уйдан безиб қолишган эди. Хуллас, охир-оқибат оила бузилди, аёл ажралишга қарор қилди ва болаларини ҳам эрига ташлаб кетди. Эр мулоҳазали, меҳнаткаш ва фарзандларига меҳрибон эди. Шунинг учун қариндошларининг мажбурлашларига қарамай қайта уйланмади. Эркак боши билан ўзи болаларини оқ ювиб, оқ таради. Энг муҳими, уларни ажойиб инсонлар қилиб тарбиялаб вояга етказди. Ҳозирда 3 нафар фарзандларининг бири олийгоҳда таҳсил олаяпти, бири ҳарбий хизматда ватанимиз сарҳадларини қўриқлаяпти. Катта қизи эса қўли енгил шифокор бўлиб етишди. Уни яхши оилага узатишди. Ота қилган меҳнатларининг натижасидан мамнун. Қани энди ҳаётда шундай матонатли, мулоҳазали инсонлар кўп бўлса. Тақдир синовларига бардош берсаю умр поёнига шукроналик ила етса. Ўшанда айро тушган тақдирлар надоматли бўлмас эди.

Узоқ қариндошимизнинг қизи олийгоҳда ўқиб юрган чоғларида бир йигит билан танишиб қолади. Йигитнинг бошқа вилоятдан эканлиги, устига устак ишининг ҳам тайини йўқлиги учун қизнинг ота-онаси унга турмушга чиқишга қатъи норозилик билдиради. Барибир шунга қарамасдан уларнинг тўйи бўлди. Дастлаб рисоладагидек яшаган икки ёш бора-бора тез-тез жанжаллашадиган одат чиқаришади. Чунки йигит ишламас, қизнинг топган-тутгани эса рўзғор тебратишга етмас эди. Орадан йиллар ўтиб фарзандлар туғилди. Оиладаги келишмовчиликлар ҳам улғайиб бораверди. Ахийри, омонатгина пойдевор устига қурилган оила барбод бўлди. Ҳаммасидан ҳам фарзандларга қийин бўлди. Отасига борайин деса, онадан қўрқади, онанинг бағрида қолайин деса, отасини соғинади.

Оилада ота тарбиясининг ҳам, она тарбиясининг ҳам аҳамияти бирдек зарур экан. Ота тарбиясидан бенасиб ўсган болалар табиатида ўзига ишончсизлик, қатъиятсизлик сезилиб турарди. Алал-оқибат ҳар иккаласи ҳам ўз йўлини топа олмади. Бири ичкиликка берилиб кетди, бири эса безорилларга қўшилиб жиноятга қўл урди. Уларнинг бундай аянчли тақдирига ота-она энг катта айбдор.

Ривоят қилишларича, ёш ота-она ғўдагини бир донишманд ҳузурига олиб бориб "фарзандимизни тарбиялаш учун бизга қимматли маслаҳатларингизни берсангиз" дейишганида, донишманд улардан фарзандингиз неча ойлик бўлганини сўрабди. Икки ойлик деган жавобни олгач, "Афсус икки ойга кечикибсизлар" деган экан.

Демак, фарзанд тарбиясига у туғилган чоғиданоқ киришиш керак экан. Шундагина улар баркамол, комил инсонлар бўлиб етишишади ва ота-онасига раҳмат келтиради. Ўзидан оқил фарзанд қолдирган инсоннинг армони бўлмайди. Чунки оқил фарзанд тимсолида дилидаги барча орзулари ушалади ва яхши ном қолдиради.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА

Taqdir tabiri

ДАҲОЛАР ҲАМ ОРАМИЗДА ЯШАЙДИ

Ҳаётда сиз ва биз билан ёнма-ён яшаётган, битта ҳаводан нафас олаётган, кўришидан жуда оддий, бироқ кези келганда, ўзининг ғайритабиий қобилиятга эга эканини намоён этадиган одамлар бор. Агар сиз ана шундай ғайритабиий воқеага гувоҳ бўлсангиз, ҳеч шубҳасиз, азбаройи ҳайратга тушиб, бунақасини фақат эртакларда эшитганингизга ўзингиз ҳам иқрор бўласиз.

Мисол учун дейсизми?

Марҳамат, фақат шуни эсда тутингки, қуйидаги ҳикоя қилинадиган воқеалар аллақайси эртак ёки ривоятда эмас, балки сиз билан биз яшаётган ҳаётда рўй берган. Бошқача айтганда, бу воқеалар ҳужжат билан тасдиқланган. Шу боис уларга зиғирча ҳам шубҳа-гумонга бормай ишонишингиз мумкин.

* * *

Бу қадим дунёда ғаройиб хислатга эга одамлар кўп ўтган.

Бироқ дунёда **Вольф Миссинг** биринчи бўлиб телепат қобилиятига эга шахс сифатида расман эътироф этилган.

Хўш, ғайритабиий қобилиятлари билан дунёни ларзага солган Вольф Миссинг жанобларининг ўзлари ким?

XIX асрнинг сўнгги йилларида Варшава шаҳри яқинидаги кичкина қишлоқда дунёга келган Вольф Миссингнинг табиатида барчани ҳайратга соладиган ғайритабиий қобилият жуда эрта юз кўрсатади.

У дунёга фашизм хавфи таҳдид солиб кела бошлаган бир даврда, яъни 1937 йилдаёқ катта журъат билан Гитлер Шарққа уруш қилса, муқаррар ҳалокатга учрайди, дея башорат қилади. Албатта, бу башоратга ўша пайтда биров ишониб, биров ишонмайди. Бироқ башорат сохиби Вольф Миссингнинг бошига кўпдан-кўп кулфат ёғилади. Гап шундаки, бу башорат айтилгач, Вольф Миссинг гестапо таъқибига учрайди ва кўп ўтмай ҳибсга олиниб, турмага ташланади. Бироқ у гестапо камерасида узоқ қолиб кетмайди. Бошқача айтганда, уни бундай оғир вазиятда табиатидаги ғайритабиий қобилият халос этади. У камерада туриб, қобилиятини ишга солади ва шунда ҳақиқий мўъжиза рўй беради. Яъни полиция бўлимининг барча ходимларини, бошлиғи билан бирга, қандайдир ғайритабиий куч у ўтирган камерага бошлаб келади. Улар итоаткор қиёфада бош эгиб ичкарига киргач, Вольф Миссинг эса секин ташқарига чиқиб, ортидан эшикни қулфлайди-да, жуфтакни ростлаб қолади.

Бу ҳол ўша пайтда ниҳоятда катта шов-шувга сабаб бўлади. Вольф Миссингни жодугарликда аблашади. Аммо буларнинг бари бефойда эди. Чунки Вольф Миссинг аллақачон Польшани тарк этишга улгурган эди.

Шуни айтиш керакки, Вольф Миссингнинг бу ғайритабиий қобилиятини ўша пайтда ҳатто Сталин ва унинг гумаштаси бўлган Берия ҳам синаб кўришган. Гап шундаки, улар Вольф Миссингни олдига гўёки қийин бир шарт қўйишади ва шу йўл билан унинг сирини фош этишмоқчи бўлишади. Яъни Вольф Миссинг ҳеч қандай ҳужжатсиз банкдан 100000 минг сўм пулни олиб чиқиб кетиши керак эди. Ҳатто бу ишни назорат қилиб бориш мақсадида ўша пайтда НКВД ходимларидан махсус комиссия ташкил этилади.

Ўша пайтда бу воқеани кузатиб турганларнинг деярли барчаси энди бу ҳийлагарнинг қилмиши фош бўлади, деб ўйлашади.

Бироқ Вольф Миссинг хотиржам қиёфада банк биносига кириб келади. У банк мутасаддиси қўлига қандайдир қоғозни узатади. Банк мутасаддиси қоғозни олгач, бир қур назар ташлайди-да, сўнг итоаткор қиёфада Вольф Миссингнинг қўлига 1000000 сўмни тутқазади...

Кейинчалик маълум бўлишича, Вольф Миссинг банк мутасаддисининг қўлига бир парча оқ қоғозни тутқазган экан...

Иккинчи воқеа. Вольф Миссингнинг жуда қаттиқ кўриқланаётган бинога қамаб қўйишади. Берия эса кўриқчиларга Вольф Миссингни махсус рухсатномасиз ташқарига чиқармаслик тўғрисида буйруқ беради.

Аммо Вольф Миссинг ҳеч қандай қийинчиликсиз оппаосон бинони тарк этади.

Бундан ташқари, Вольф Миссинг узоқда турган бегона одамнинг фикрини уқиш, тақдирни башорат қилиш, суратга қараб фол очиш сингари жуда кўп ғайритабиий хислатларга эга бўлган.

Албатта, бу аллақачон тарихга айланган воқеалар. Бугунги кунда ҳам ҳаётда ана шундай савқитабиий хислатга эга кишилар кўплаб учрайди. Мисол учун айтадиган бўлсак, Йошкар-Олалик муҳандис Владимир Кутюков бир неча дақиқа ичида, миясида ўта муҳим операцияларни амалга оширган куйи 180 йилнинг 1 январи жума кунига тўғри келганини аниқ-тиниқ айтиб бериши мумкин.

Бундан ташқари, у Нероннинг ўлимидан Константинополнинг инқирозга учрашига қадар қанча сония ўтгани ёки 28448723 йилнинг 13 октябри қайси кунга тўғри келишини ҳам бор-йўғи бир дақиқа ичида айта олади.

Энг асосийси, унинг ҳар бир башорати, илмий жиҳатдан текшириб кўрилганда, ўзининг аниқ тасдиғини топмоқда.

Киевлик ўн олти ёшли Ира Иванченкованинг қобилиятига ҳам тан бермай илож йўқ. У бир дақиқада 163333 та сўзни, мазмунини идрок этган ҳолда, ўқишга улгуради.

Ереванлик ҳуқуқшунос Самвел Гаребян эса 1990 йилнинг июн ойида ўтказилган эксперимент чоғида чет тилларидаги 1000 та нотаниш сўзларни ёд олиб, хатосиз талаффуз қилиб берди. Қизиқ жойи шундаки Самвел биронта чет тилини билмай туриб, араб, урду, кемерб, бенгал, инглиз, дари, немис, эсперанто, итальян тилларидаги сўзларни бир ўқишда ёдлаб олади ва сўнг хатосиз айтиб бериш қобилиятига эга.

Бугунги кунда сараислик мактаб ўқувчиси Наташа Демкинойнинг номини бутун дунё билади.

Хўш, бу қизалоқ қандай ноёб қобилиятга эга дейсизми? Эшитсангиз, ҳайрон қоласиз. Нега деганда, бугун техника юксак тараққий этган бир паллада Наташа рентген ва "УЗИ" сингари аппаратлар ёрдамсиз ҳам инсоннинг ички аъзоларини бемалол кўради. Унинг беморларга оғишмай аниқ ташхис қўйишини айтмайсизми?!

Аввалига қизалоқнинг бундай қобилиятига шубҳа билан қарашган. Рост-да, оддий инсон кўзи билан парда ортидаги нарсани илғаш қийин. Бу қизалоқнинг давоси эса...

Шу боис кейинчалик Наташанинг қобилиятини синаб кўриш мақсадида Англия, Туркия, Германия, Чехия, Польша ва ҳатто Австралияда дунёнинг манаман деган олимлари иштирокида синов ўтказилди. Ички аъзолари касалликка чалинган бемор ётган хонага Наташа олиб киришиб, унга ташҳис қўйишни буюришди. Наташа беморга узоқ тикилиб туриб, уни қаери безовта қилаётганини айтди. Кейин олимлар беморни дарров махсус аппарат ёрдамида текшириб кўришди. Наташа билан аппарат қўйган ташҳис бир хил эди...

Инсон табиатида ҳали бизга ноаён бўлган минглаб мўъжизалар яшириниб ётибди. Зеро, одамзот боласининг ақл-заковати, қобилияти, тафаккур дунёсининг ҳали кашф этилмаган уфқлари жуда кўп. Шунинг учун мўъжизалар яралавериши табиийдир.

Дилфуза ҲОТАМОВА тайёрлади.

Mitti maslahat

СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

УНГА НИСБАТАН ЭҲТИЁЖ ҚАЧОН ТУҒИЛАДИ?

Ҳуқуқий муносабатларда шартнома юзасидан олган мажбуриятларни бажариш учун қонунчиликда назарда тутилган турли усуллардан фойдаланилади. Гаров, кафиллик, кафолат, закалат шулар жумласидандир. Суғурта ҳам шундай ҳуқуқий воситалардан бўлиб, у ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бу ҳакда фикр юритишдан олдин шундай табиий савол туғилади: хўш, суғурта нима? У қандай ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киради? Унга бехато амал қилиш тартиби қандай?

Бу саволларга жавоб бериш учун энг аввало, **"Суғурта тўғрисида"**ги Қонунга мурожаат қилиш лозим. Жумладан, мазкур қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, суғурта — инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқалар оқибатида етказилган зарар ҳамда талофатларни суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш орқали юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлардир. Фуқаролик Кодексининг 920, 921-моддалари мазмунига кўра, суғурта ҳодисаси мулкий ва шахсий суғурта шартномасининг муҳим шартини ташкил этади. **"Суғурта тўғрисида"**ги Қонуннинг 8-моддаси 2-қисмига мувофиқ эса, суғурта шартномасида ёки қонунда назарда тутилган воқеанинг юз берганлиги суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Воқеа юз берганда суғурталовчининг суғурта қилдирувчи, наф олувчи ва суғурталанган шахсга суғурта ҳақи (тўлови) тўлаш мажбурияти юзага келади.

Қонунчилик талабларига кўра, суғурта ҳодисаси юзага келган деб ҳисоблаш учун қуйидаги ҳолатлар:

а) Суғурта шартномаси қонун талаблари доирасида тузилган ва суғурта бадали тўланган;

б) Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугамаган;

в) Суғурта ҳодисасининг вужудга келишига асос бўлган воқеа ҳақиқатдан юз берган, бу воқеанинг суғурта шартномаси ёки қонунда назарда тутилган бўлиши лозим.

Мазкур ҳолатларнинг бир вақтда юзага келиши суғурта ҳодисасининг тузилганидан далолат беради. Суғурта ҳодисаси юз бериши билан суғурта қилдирувчи зиммасида мажбурият пайдо бўлади. Фуқаролик Кодексининг 951-моддасига кўра, мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганлиги маълум бўлгач, дарҳол суғурталовчи ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Мана шу жараёнда суғурталовчи зиммасига суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанувчига суғурта пули (товон) ни тўлаш мажбурияти юкланади.

Таъкидлаш лозимки, суғурта ҳодисасининг рўй бериши ҳар доим ҳам суғурталовчи зиммасига суғурта пули (товон)ни тўлиқ ҳажмда тўлаш мажбуриятини келтириб чиқармайди. Баъзи ҳолларда суғурталовчи суғурта пули (товон)ни тўлаш мажбуриятдан озод қилиниши мумкин.

Хусусан, Фуқаролик Кодексининг 953-моддаси 1-қисмига асосан, агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод этилади. Фуқаролик Кодексининг 954-моддасига мувофиқ, суғурталовчи, агар қонунда ёки суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва суғурта ҳодисаси радиация ёки радиактив заҳарланиш таъсирида ёхуд ҳарбий ҳаракатлар, машқлар оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини ҳамда суғурта пулини тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, суғурталанган мол-мулк давлат идораларининг талаби билан олиб қўйилса, мусодара қилинса, хатланса ёки йўқ қилиб ташланса, суғурталовчи кўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод этилади.

Суғурта ҳодисасининг вужудга келиш ҳолати суғурта шартномаси ва қонунда қанчалик аниқ баён қилинган бўлса, тарафларда юзага келиши бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар масаласи ҳам шунчалик даражада аниқ ҳал этилишига эришиш мумкин. Бу борада вужудга келиши эҳтимоли бўлган муаммоларни ҳал этиш учун шартномавий муносабатларини тубдан ўзгартириш, шартнома тузиш, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш керак.

Олим РАЖАБОВ, ҳуқуқшунос



Giyohvandlik — asr vabosi

"ОҚ АЖАЛ" ЧАНГАЛИ

Шашқатор кўзёшлари юзини юваётган аёл дарди дунёга сиғмай ҳасрат қилмоқда: "Гулдай ўғлим йўлдан адашиб, номинг ўчгур зарҳи қотилни истеъмол қилишга ўрганди. Оиласи ҳам барбод бўлди. Даволаниши жуда ҳам қийин кечяпти. Бутун орзу-умидим ёлғиз ундан эди... Энди бошимни қайси деворга уришни билмайман!..."...

Онанинг бундай изтироби ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди. Аммо ўғилни ҳаётда адашгани учун кимни айблаш керак?!.

Қуйида ана шундай йўлдан адашганлар хусусида сўз юритилади.

Анжела Маҳмудова "Бухоро-Олот" бекатлари оралиғида кетаётганида, поездаги хонасига кирган ички ишлар ходимлари олдида пардоз-андоз қила бошлади. Ўзига ҳаддан ташқари зиёд оро бераётган бу ҳурлиқонинг қилиғи "Линда" лақабли итнинг ҳам эътиборини тортди. У кутилмаганда аёлнинг қўлидаги пардоз қутичага ташланиб қолди. Шунда ички ишлар бўлими ходимлари уни Анжелага олиб бермоқчи бўлишганда қутича ичига "героин" гиёҳвандлик моддаси солинганига гувоҳ бўлишди.

Текшириб кўрилганда пардоз қутисидаги бўёқлар ўрнига 100 граммга яқин зарҳи қотил яширилган экан.

Фарзандига алла айтиш бахти насиб этган аёл нега бундай қилмишга қўл урди? У дунёга келадиган фарзандларнинг фалаж, ақли калта, заиф бўлишини ўйламадими? Миллат келажаги оналар қўлида эканини унутдими? Афсуски, бу саволларга жавоб топиш жуда мушкул.

Кишини ташвишга соладиган томони шундаки, бугун дунё миқёсида гиёҳвандлик моддаси билан олди-сотди қилиш, шундай нопок йўл билан бойлик орттириш авж олиб бормоқда. БМТнинг сўнгги маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 190 миллион нафар киши "оқ ажал" гирдобига тушиб қолган. Энг дахшатлиси, зарҳи қотил исканжасига тушганларнинг 70 фоизидан кўпроғини ҳали 30 ёшга тўлмаган ёшлар ташкил этади. Ҳар йили жаҳон миқёсида ўртача 350-420 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги бож ва солиқ тўланмайдиган маблағ гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига сарфланди. Бундан ҳар йили кўрилаётган даромадни бир тасаввур қилиб кўринг...

Ҳозирда бутун дунёда гиёҳвандликка қарши кураш олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз пойтахтида ҳам гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича БМТ бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, **"Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларини назорат қилиш ахборот-таҳлил илмий маркази фаолияти ҳам гиёҳвандликка қарши кураш олиб боришга қаратилган. Бу курашда кенг жамоатчилик ҳам четда турмаслиги лозим. Зеро, ёшларнинг "оқ ажал" чангалига тушиб қолмаслигининг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ўз келажагини ўйлаган ҳар бир онгли кишининг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Бобир УМАРОВ, ҳуқуқшунос

Nadomat

НОЖЎЯ ҚАДАМ...

СУД ОЧЕРКИ

Халқимизда "Фалокат — оёқ остида" деган нақл бор. Лекин сабабсиз оқибат бўлмаганидек, фалокатга ҳам кўпинча ўзимиз сабабчи бўлиб қолмаяпмизмикан?

Панжара ортидаги қора курсида ўтирган Қобилжон норасида фарзандларига қараб сира тўймади. Уларни еру-кўкка ишонмасди. Энди эса кўп йиллар уларнинг дийдорини кўриш насиб этмайди. Шунда у биринчи марта қилган ишидан астойдил пушаймон бўлди...

Одил суд ўз ҳукмини чиқарди. Биз уни муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Чунки бизни бутунлай бошқа нарса қизиқтиради. Кейинги пайтда мўмай пул топиш илинжида ўзини билар-билмас ўтга-чўққа ураётганлар ҳам оз эмас...

Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг бирор-жойда ишлаб, қўним топмаган Қобилжон оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишга ўрганди. Кейинчалик "ВАЗ-2106" русумли шахсий автомашинаси билан киракашлик қила бошлади.

Шу йилнинг 11 апрел куни у кўчада ширакайф Р.Нагуманов, В.Локтев, В.Смирнов ва Ольга Харчукга дуч келди.

Қобилжон маст-аласт йўловчиларни 400 сўмга Юнусободнинг 8-даҳасига олиб бориб қўядиган бўлди.

Автомашина "Универсам" дўконини олдидан ўтаётганда оғайнисини учратиб қолган Қобилжон бир дақиқага бўлса-да, тўхтаб у билан саломлашди-да, яна йўлда давом этди. Кайфи ошиб, ўз ҳаракатларини жиловлай олмаётган В.Смирнов Қобилжонни ҳақоратлай кетди. Қобилжон ундан ҳақорат қилмасликни сўради. Аммо йўловчи унинг бу гапларига парво ҳам қилмади.

Ўз навбатида Қобилжон уларни белгиланган манзилгача олиб бориб қўйишдан бош тортди. У машинани тўхтатиб, йўловчилардан кабинадан тушишларини талаб қилди. Йўловчилар унинг талабига хушламайгина бўйсунишган бўлса-да, автомашина эшикларини кучлари борича қарсиллатиб ёпишди. Бу ҳам етмагандай, В.Смирнов машинанинг олд капотини оёғи билан қаттиқ тепди. Ҳайдовчининг ялиниб-ёлворишларига у муштини ишга солди. Кейин у шу билан чекланмай ҳайдовчи билан муштлашиб кетди.

Қобилжон кутилмаган ҳамладан довдираб қолганди. Ахир, аёл кишини ҳисобламаганда учта эркакка зим-зиё тунда унинг бир ўзи бас келолмаслиги аниқ эди. Шунинг учун Қобилжон шартта машинага ўтириб кетвормоқчи бўлди. Бироқ В.Смирнов уни таъқиб этди. Машинани ўрнидан қимирлатишга имкон бермади. Шунда Қобилжон қўлига пичоқни олиб уни В.Смирновнинг кўксига қандай қилиб санчиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Пичоқ зарбидан бир-икки қадам ташлаган В.Смирнов йиқилган заҳоти ўша жойнинг ўзида жон таслим қилди. Даҳанаки "жанг"дан чиққан жанжал ана шундай аянчли якун топди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Юнусобод туманлараро суди мазкур жиноий ишни кўриб чиқиб, Қобилжон Мўминовга тегишли жазо тайинлади. Қобилжон босган тиканнинг захрини эса биргина ўзи тортса кошки эди. Афсуски, уни энди бутун оила, унинг норасида фарзандлари ҳам тортади. Бу эса албатта ачинарли. Шу боис инсон ҳар бир қадамининг оқибатини ўйлаб босгани маъқул.

Азиза ТУЙҒУН, ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙҚУЛ, "Инсон ва қонун" мухбири

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ҳамда «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали бирлашган таҳририяти жамоаси юридик фанлари номзоди Шухрат Расуловга отаси *АБДУВОҲИД отанинг* вафот этгани муносабати билан ҳамдардлиқ билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6